



## ТИББИЁТ ХОДИМИГА тажовуз қилганлик учун жавобгарлик кучайтирилмоқда



Гулруҳ АГЗАМОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги  
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Мана, 30 йилдирки, Конституциямиз инсон, унинг хаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-киммати ва бошқа дахлсиз хуқуқларини олий қадрият сифатида белгилаб, мамлакатимизда тинчлик, фаронлик ва тараққиёт кафолати бўлиб хизмат килиб келмоқда.

### Машҳурларнинг аёллари

# УЧИҚ АЙТИР СЎИ ҶОР...

Ўзбекистон халқ шоюри, “Дарс”, “Бахшиёна”, “Узун тун”, “Оқибат”, “Кўзгу”, “Кундузсиз кечалар”, “Жоду”, “Алномишнинг қайтиши”, “Бир қадам йўл”, “Куз” каби кўплаб асалар муаллифи Усмон Азимнинг севимли рафиқаси, Ўзбекистон Ёзувчилар ююмаси аъзоси, таржимон, “Дўстлик” ордени соҳибаси Раъно АЗИМОВА билан сұхбатимиз унинг ораста, сокин, муҳаббат ва ижод нафаси уфуриб турган хонадонида бўлди.



### Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар кун тартибига киритилган бир катор конун лойихаларини кўриб чиқди. Ҳусусан, “Тибиёт ходимиининг фариятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim конун хужжатларига ўзgartариш ва кўшимчалар киритиши тўгрисида”ги конун лойихаси мухокама марказида бўлди.

### Бугуннинг гапи



## “КЎҲНА ҚИТЪА” КОРРУПЦИЯДАН ХОЛИМИ?..

Исмоил САЙФНАЗАРОВ,  
фалсафа фанлари доктори, ТДИУ профессори

Коррупция давлат ва жамият фарононлиги, тараққиёт учун энг жиддий хавф-хатарлардан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Занг темирни емиргани каби, коррупция жамиятини емиради, чиритади. Шу сабабли коррупцияга адолат, тараққиёт тушунчалари бегона. Бу борада ҳамманинг ўзига хос фикри, тасаввuri ва тушунчалиси. Конун тили билан айттанди, коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқедан шахсий манбаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манбаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида конунга хилоф равиша фойдаланиши, шунингдек, бундай нафни конунга хилоф равиша тақдим этиши (Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга карши курашиб тўгрисида”ги конунининг 3-моддаси)dir.

## УСТОЗ ВА ШОГИРДЛИК МАҚОМИ ЙЎҚОЛИБ КЕТАДИ(МИ?)

Бир кун келиб қадрият ва маънавият деган тушунча буткул йўқ бўлиб кетиши мумкин. Ва яна, энг хавфлиси, оддийгина устоз ва шогирдлик мақомидан асар ҳам қолмас. Чунки ҳурмат ҳисси йўқ бўлиш арафасида турган экан, бошқасидан умид қилмаса ҳам бўлаверади.

Жаҳон амалийтидаги тажрибалар бугунги кунда коррупциянинг турии шаклларда намоён бўлаётганлигини исботлаб бермоқда. Булар орасида: пораҳўрлик, товламачилик, қариндош-урӯчилик (непотизм), жамоатчилик захираларини нотўри таҳсилтариши, ноқоний хусусийлаштириш, ижтимоий кредитлар ва буюргаларнинг асоссиз берилиши, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларини ноқонунинг молиялаштириш кабиларни айтиш мумкин. XXI асрда коррупциянинг энг кенг тарқалган турлари си-

## ҚАДИМИЙ ЗИЁРАТГОХ РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Мазкур обьектда бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишлари 2023 йил маданий мерос обьектларини реставрация қилиш учун давлат бюджетидан ажратилган пул маблағларининг иқтисод қилинган қисмидан амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

**2023 ЙИЛ УЧУН  
ОБУНА ДАВОМ  
ЭТМОҚДА**

Боғланиш учун телефонлар  
91 165-02-66. 97 900-72-15

**Обуна  
индекси – 100**









БУГУННИНГ ГАПИ

# УСТОЗ ВА ШОГИРДЛИК МАҚОМИ ШУЛАНГИБ КЕТАДИ(МИ?)

Келажак ҳақида ўйлаганимда вужудимни ўзгача хаяжон босади. Кўз ўнгимга ўсиб-улгайётган, таълим ва тарбия олаётган буғунги кун болалари келади. Йиллар ўтиб уларнинг дунёкараши, фазилати, хулк-одоби кандай бўлади?

**Содиқжон УМРЗОҚОВ,**  
Косонсой туманидаги 42-умумий ўрта таълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари

Улар дунёни ҳайратга солган ўзбекона қадриятларимизни асрар-авайлаб давом этира оладиларми? Асрий хулку одоб, қадру қиммат, одамийлик деган ноёб хислат ва тушунчалиримизни сақлаб қола оладиларми?

Куни кечга ўзини ўта «маданиятлих ҳисоблаган ёш қиз телекран қаршисида туриб ўз фикрини ифода этаркан, ишонч билан «Ота-бобаларимиздан қолган қадрият, маънавият деган тушунча эскириб бормоқда, келажак авлод бу борада янгича қарашларга эга бўлади», деди. Наҳотки минг йиллар давомида эскирмаган қадриятларимиз биз ишонган авлод даврига келиб эскириб қолса! Бундек ўйлаб қарасак, шубҳаланишга ҳам асос бордек. Чунки буғунги ёшлар мутлақа янгича тартиба таълим олишмоқда, «тарбия»ланишмоқда. Биринчидан, улар таълим олишда ҳам, гарбия



тус олди. Ўқитувчилар собиқ ўқувчисининг шўхликларини эслашди, собиқ ўқувчи эса ўқитувчиларининг унга бўлган муносабатларини эслага олди.

- Менга нисбатан иккингиз иккни хил муносабатда бўлган-сизлар, - дей гап бошлиди собиқ ўқувчи. - Масалан, сиз менга қаттиқўллик қилгансиз, - деди ёндида кетаётган ўқитувчисига.

- Керак пайтда ургансиз ҳам. Лекин мен сиздан хафа эмасман. Сизнинг шарофатингиз билан, мана, ҳайдовчилик касбини эгалладим. Жамиятга фойдам тегяпти. Бироз қийналиб бўлса-да, оиласини тебришиб турибди. Қаочон бўлса, сизга текинга хизмат қиласман. Лекин сизга эса, - деди у орқа ўрнидида ўтирган иккичи ўқитувчисига, - хизмат пуллик бўлади. Чунки сиз менинг ўқишим билан қизиқмагансиз. Бэвзи жиҳатдан тарбиямнинг бузилишига сабабчи бўлгансиз. Агар сиз ҳам қаттиқўллик қилганингизда, балки мен ҳам ҳозир сиз каби олий мавлумоти инсон бўларимидим!

Бўлиб ўтган воқеа менга жуда каттиқ таъсир қилди. Ахир буғун қўлимиизда таблим олаёт-

ган юйгит-қизлар эртага бизга ҳам шундай таъна қиласмида, деб ким айта олади? Бир сўз билан айтганда, таълим тизимидағи буғунги ўзгаришларга бироз тузатилиб киритиш керакмискин?! Илгор таъхрибалар билан бир қаторда ўзимизнинг синновдан ўтган миллий-шарқона услубларимизни ҳам кўллашим зарурдир.

**Биз гарб таълими оп-дода таслим бўлганимиз сари болаларимизни ўзимиздан бегона қилиб юйтётганга ўхшаямиз. Бегоналих ҳисси болани меҳрдан ўроқлаштириди.**

Юқоридаги «маданиятлих» қизимиз айтганидек, **бир кун келиб қадрият ва маънавият деган тушунча буткул йўқ бўлиб кетиши мумкин. Ва яна, энг ҳавфлиси, оддигина устоз ва шогирдлик мақомидан асар ҳам қолмас. Чунки ҳурмат ҳисси йўқ бўлиши арафасида турган экан, бошқасидан умид қилмаса ҳам бўлаверади.**

Ибрат

...Ердан олинниб отилган кесак онамнинг бошига тегди! Оғриқдан бошини ушлаган онам жон атчигида кўши холанинг ўғли югуриб бориб, юзига тарсаки тушириди! Кўши холанинг ўғли онамга ёпиши! Мен унинг ёқасидан тортиб, юзига мушт туширдим! Укам дадамни чакириш учун уй томон югурди! Жанжал авжига чиқди!

## БИЗ ИЧАРДАЙ

### ЯИ-АРДИК



Абдуллоҳ ОМОН

Үйдан югуриб чиқкан дадам бир-бирининг сочига ёпишган онам билан кўши хотинине олдига бориб, онамнинг кулларидан тортиб ажратди ва... онамнинг юзига тарсаки тушириди! Кўши амаки эса тинмай қарганаётган хотинине юзига шапалок урди! Иккى аёл юзини ушлаганча уйга ўйглаб кириб кетди! Мен дадамдан кўрқиб, қочиб қолдим.

...Иккى кўшини орасига жанжал келтириб чикарсан бефаросат товук эди! Қишлоқ жойда кўши билан орада баланд девор тортиши юз кўрмаслик белгиси бўлганлиги учун кўншнимиз билан орамизда баландлиги бир метр ҳам чиқмайдиган сим септка номига тортилган эди. Қишлоқ паррандаларга теккан қасаллик сабаб қиршип кетган товукларимиздан фахат битта хўрз қолганди. Кўншнимизда ҳам шу ахвол, битта товук қолган, холос. Бу иккалasi соҳи ҳовлиса, соҳи бу ҳовлиса ўтиб, баҳор вақти ҳовлимиза экилган помидор кўчтапарининг расевосини чиқариб, яроқсиз холга келтиради. Аввалига даҳанаки бўлган жанжал бугун ажига чиқди.

...Кечга яқин уйга қайтдим. Дадам анча ҳовридан тушган экан, индамади. Ошонага курдим. Йигидан кўзлари шишиб кетган онам ишиш-товоқ юварди. Мени кўрб, жилмайшага уринсан онам яна ўйглаб юборди. Сўнг:

- Кел, болам, - деб ёнларига қаҳриди. - Холанги бекор хафа қилиб қўйдик. Шунча ўшлар кўничилигимизга аэрзимиди шу парранда! Бор, шу хўрз ўлгарни ушла-да, даданга олиб бор, сўйиб берсин.

Шунака. Бизда ҳеч ким кўшнини беғона демас эди. Кўши хотин хола – онамга синген, кўши эрқак амаки – дадамга уқадек эди. Шундай тарбия билан ката бўлдик. Эссимин таниланмидан бери шу жанжал биринчи ва охиргиси бўлганди...

Хўрз сўйилди. Ош қилиниб, гўшти устига босилди. Кечкурун дастурхон атрофига ўтирад эканмиз, онам хўрз гўшти ошни дастурхонга кўйди. Шунда дадам:

- Кўшинига ҳам бердингеми? – деди.

Онам ерга қаради.

- Кўшинига бермасдан, ошнинг хидуни чиқариб сузуб келишига уялмадигеми? Қаочонгача қовоқ-тумшик қилиб юрмоқчисан? Менинг ота-онан узоқда, сенинг ота-онан узоқда, эрта тирик-ўлпиклизимиз шу кўши билан-ку. Суғе сенга! – деди дадам.

Бу гапдан кейин юзи қизариб кетган онам бошқа товоқка ош сузуб келди-да, хўрз еўшитни тенг иккига бўлиб, ош устига кўйгач, товоқни кўтаришига ўйлопди.

- Тўхта! «Шеригинг»ни ҳам олиб кет. Бирга урушдиларинги, бирга яршинелар! – деб дадам мени ҳам қўшиб кўшининикуга жўнатди.

Минг хижолат билан ўзим истамаён ҳолда онамга эргашдим.

Қоронгуда ўртада тутилган септакдан сакраб юрмайлик, деган ўй билан кўшининг дарвозаси томондан бордик. Дарвозани энди тақиллатамиз деган ҳам эдикки, кўпидида ош, ўғли орқасидан эрагашган кўши хола дарвозани бирдан очди. Қўпидаги ошнинг устиди товук гўшти кўриниб турарди. Онам билан кўши хола бир-бирларига бироз термулиб туршиди-да, кўлларидағи ошага карб куплиб юборишид.

Кўши хола уйига тақлиф қилди. Кирдик. Амаки «Даданги ҳам чақириб кел!», деди. Юеъриб бориб дадамни чакириб чиқдим. Бир-бираудан кечирим сўрашлар, ўзаро кулаға ва курсандичлик ярам тунга қадар давом этди.

...Эрталаб кўши холанинг кулемсидан ўйногиб кетдим. У билан онам ҳеч нарса бўлмагандек айвонда чақақлашиб, сұхбатлашиб ўтиришарди...

...Ишим шаҳарга кўчгандан кейин анча вакт кўп қаватли уйда ижарага турдим. Аввалин ўзим, кейин оиласини ҳам олиб келдим. Ишад кетмаман, эшик кулфланади. Ишдан келаман, эшик очилади. Қўшининг факат юзини танийман. Бир оғиз «салом» деймиз бир-бираумизга тўқнаш келлач. Бошқа сўз ўйқ. Аёлимдан сўрайман: «Хотини билан яхшимисан? Салом-алик қиласми?». «Бошида саломлашардим. Кейин кеरдердагизимизни суршиштирсан, ўзини осмонга олиб, саломимга ҳам жавоб бермай қўйди», деб очигини айтади аёлим...

Шеърий лаҳза

## Муаллим

Шоирга дедилар:

– Сиз бахтили инсон,  
Ҳалқингиз ардоқлар, ҳамма танийди.

Шоир жавоб қилди:

– Менда бир армон:  
Муаллим десалар мени қанийди!

Абдулла ОРИПОВ  
2002 йил

Боқий қадриятлар

## ОТА-ОНА ДУОСИ – МУВАФФАҚИYТЛАР

Немис шарҳловчиси Қатарда ўтаётган ЖЧ-2022 да марокашлик ўйинчилар ўйиндан сўнг ўз оналарини қутоқлаб ўпгани, ҳар бир ўйиндан кейин уларга сажда қилишларига эътибор қаратди.

«Биз гарблеклар жамиятимизда оилавий ришталарнинг мустаҳкамлигига эътибор бермай қўйдик. Оила концепцияси ўйқ бўлиб кетмоқда, биз футболдан кейин моделлар ёки «дугона»ларини ўпаётган футbolchilarни кўрамиз, чунки уларнинг ота-оналари қариялар уйида бўлишади.

Марокаш футbol жамоасининг галабаларида оиланинг маънавий қўллови катта роль ўйнади, биз эса бу ерга ЛГБТни кўллаш учун келиб, оғзимизни кафтимиз билан ёпдик.

Биз марокашликларни футbol ўйнашга ўргатдик, улар биздан ҳам ўзиб кетишида, энди улардан этика ва оилавий қадриятларни ўрганишимиз керак. Шунда қачондир бизнинг ўйинчиларимиз ҳам ота-онасининг пешонасидан ўпаётганига гувоҳ бўлармиз».

Суратда: Марокаш футbol жамоаси бош мураббийи Волид Рикрокий онаси билан.

## КАЛИТИ



Ушбу расм бир неча йил олдин хитойлик Ванг исмли болай-кайнинг ўқитувчиси томонидан олинган. Бу ўқувчи имтиҳондан ўтиш учун енгил куртка ва шапкасиз 9 дараҷа совуқда 5 километр юриб мактабга боради.

Ванг сурункали гипотермия касаллигига чалинганди. Яъни унга иссиқлик етишмайди, шунинг учун у доимо музлайди, қўллари шишиди ва бармоқлари ўзига итоат қиласмайди.

Аммо шундай бўлсада у, албатта, таълим олишни жуда хоҳларди, чунки бу қашшоқликдан қутулишнинг ягона йўли эди.

Совуқ ҳавода имтиҳонга пиёда борган Ванг 100 баллдан 99 балл тўплаган. Ўқитувчи Вангни расмга олиб, суратни ижтимоий тармоқ жойлаштиргандан сўнг, унинг ҳоқояси ҳаяжони тус олади. Шундан кейин ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари 3 миллион юан ёки 450 минг доллар йигиши.

Бу маблағ эвазига Ванг оиласи мактабидаги иситиш тизимини таъмирилди, Юнан провинциясидаги камбағал оиласар фарзандларига иситгичлар ва иссиқ кийимлар сотиб олди.

